



МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№25 (55) 20.06.2019 йил

Халқаро фестивал яқунлари

Замон — театр кўзгусида

“Сени куйлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг Республика кўрик фестивали 2011 йилда таъсис этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги “2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бандлари ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилиб келинмоқда.



ЭНГ САРА АСАРЛАР НАМОЙИШИ

Бу йилги фестивалда 11 та давлат театрлари Ватанимиз мустақиллиги, тинчлиги ва ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган, илғор фикрли замондошларимиз образлари акс эттирилган энг сара сахна асарлари билан иштирок этдилар. Уларни ўзбек театр санъати соҳасида қатта билим ва тажрибага эга бўлган малакали мутахассислар баҳолаб бордилар. Олти кун давомида юқори савияда ўтказилган “Сени куйлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг V Республика кўрик-фестивали ниҳоясига етди.

Фестивалнинг тантанали тақдирот ҳамда ёпилиш маросими жорий йилнинг 15 июнь кuni Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси раиси

ўринбосари Эркинбай Дурдиев сўзга чиқиб, фестивал иштирокчилари ва ғолибларни эсдалик совғалари билан тақдирладилар.

МУКОФОТГА КИМЛАР МУНОСИБ ТОПИЛДИ?

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси фестивални юқори даражада ташкил этгани ва ўтказишдаги ташаббускорлиги учун Театрларни ривожлантириш бошқармасига ўз ташаккурномасини топширди. Асосийси, фестивалнинг 1-даражали дипломига Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрининг “Саховат боғи” спектакли, 2-даражали дипломга Ўзбекистон давлат драма театрининг “Ер барибир айланаверади” спектакли, 3-даражали дипломга Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг “Одинокая лодка” спектакли, яна бир 3-даражали дипломга Сирдарё вилояти мусиқали драма театрининг “Инсонликка номзод” спектакли лойиқ топилди.



Фестивалнинг “Энг яхши режиссёрлик иши” номинацияси дипломи Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг “От минган аёл” спектакли режиссёри О.Абдуллаевага, “Энг яхши сценография” номинацияси дипломи Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг “От минган аёл” спектакли сахналаштирувчи расоми Ф.Кўчқоровга, “Энг яхши драматургия” номинацияси дипломи Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг “Мўйноқда бахтнинг тонглари отди” асари муаллифи Б.Айтмуратга, “Энг яхши эркак” номинацияси дипломи Андижон вилояти мусиқали драма театрининг “Муножот” спектаклидаги Парпивоё образи учун И.Норматовга, “Энг яхши аёл” номинацияси дипломи Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг “Хушвақт” спектаклидаги Момосулов образи учун С.Ашировага, “Энг яхши эпизодик роль” номинацияси дипломи Сурхондарё вилояти

мусиқали драма театрининг “Заминдан олис кетма” спектаклидаги Олим образи учун Ш.Шокировларга nasib этди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон театрларининг “Сени куйлаймиз, замондош!” V Республика кўрик-фестивалини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Вазирлар Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикасининг Маданият, Молия ва Транспорт вазирликлари, “Қарақалпақстан” телерадиокомпанияси ва Ички ишлар бошқармаси фаол ташаббус кўрсатдилар.

Кўрик-фестивал жараёнлари ЎзМТРКнинг “Маданият ва маърифат”, “Ўзбекистон 24” телеканаллари орқали, шунингдек, Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, “Каг 24 uz” сайти, “Қарақалпақ маданияти” газетаси ва турли ижтимоий сайтлар орқали фаол ёритиб борилди.

Давоми 2-саҳифада >>

Ушбу сонда

Янги фотоальбом тақдироти



8-саҳифада >>

Тасвирий санъатнинг ноёб турлари:

Офорт жанри тарихидан

Офорт — металлга ишланадиган гравюра тури. Бу сўз французчадан таржима қилинганида eau forte — мустаҳкам, қаттиқ сув маъносини беради. Илк офортларда азот кислотаси металлга чуқур нақш солиш учун ишлатилган ва айнан азот кислотасини қаттиқ, мустаҳкам сув деб аташган.

8-саҳифада >>

Хунармандчилик:

Санъатга айланган миллий анъана



6-саҳифада >>

Сайрам ИСАЕВА:

“Сизларни соғиниб яшадик...”



“Энг асосийси, актриса сифатида фаолият юритиш билан бирга ҳалол яшадим, аёллик шаънига доғ туширмаган ҳолда садоқатли ёр, бахтли оила бекаси бўла олдим, бир она сифатида фарзандларимни вояга етказдим”.

5-саҳифада >>

Музейшунослик:

Соҳа жонкуярлари

4-саҳифада >>



Донопар сузлайди...

Таълимга эҳтиёж ҳар бир кишида мужассам; халқ нафас олиш учун ҳавони қанчалик ардоқласа ва изласа, у таълимни ҳам шу қадар эъзозлайди ва излайди.

П.Толстой

Ношуд кишиларга бахтнинг нафи тегмайди.

Софокл

Танҳо одам ҳаёти, қанчалик таъминланганидан қатъи назар, қашшоқликдан иборатдир.

А.Герцен

Халқаро ҳамкорлик

Ёдгорликларни асрашда янги усуллар

19 июнь куни Маданият вазирлигида вазир ўринбосари К.Акилова Япониянинг Токио санъат институтидан ташриф буюрган вакиллар билан учрашди.

Учрашув давомида Токио санъат институти профессори ўқитувчилари ҳозирги

кунда IT технологиялар ёрдамида маданий мерос ёдгорликларини асрашда амалга ошираётган ишлар ҳақида маълумот беришди. Шунингдек, рақамли технологиялар ёрдамида бир неча маданий мерос ёдгорликлари қайта тиклангани, бу усулда ишлаш замон тала-

би эканлиги таъкидланди.

Таъкидланишича, XXI аср технологиялари ёрдамида бугун моддий ва маданий мерос ёдгорликларини клонлаш йўли қўйилган. Бу усулда нафақат картиналарни, балки ҳайкалтарошлик намуналарини ҳам асраб қолиш мумкин.




Учрашув



Сайёҳлар учун жонли таклифнома

Июнь ойининг ўрталарида мамлакатимизнинг тарихий ва меъморий мероси, маданий ва пазандалик анъаналарини ўзида мужассам этадиган ҳужжатли фильми суратга олиш учун Франциянинг "В-Tween" продюсерлик компанияси ижодий гуруҳи Ўзбекистонга ташриф буюриши қутилган эди. Франциялик ижодкорлар ҳозир Тошкент шаҳрида. 17 июнь куни гуруҳ продюсери Арно Фрилли Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Озодбек Назарбеков билан учрашиб, юртимиз ҳақидаги фильми суратга олиш масалаларини муҳокама қилишди. Учрашув Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилди.



"В-Tween" продюсерлик компанияси бир неча йиллардан буён маданий мавзудаги телелойihalарга қўл уриб келмоқда. Компания француз Аудиовизуал холдинги аъзоси бўлиб, "France Televisions", "ARTE", "ЕuroСorр" ва шу каби етакчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Маданият вазирлигида бўлиб ўтган учрашувда айрим таклиф ва лойihalар ҳақида сўз юритилди. Жумладан, ушбу фильми олиш жараёнида 2021 йилда Луврда бўлиб ўтадиган катта кўргазмага Ўзбекистон музейларидаги қадимий осори-атикаларнинг олиб борилиши, машҳур француз актёри Жерар Депардьё уларга кўзи тушгач, Ўзбекистонга йўл олиши ва кўплаб қизиқ саргузаштларни бошдан кечириши, бу эса Ўзбекистонни бутун жаҳонга танитишда салмоқли иш бўлиши каби таклифлар билдирилди.

Ж.Депардьё иштирокидаги ушбу фильм лойihalаси Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонаси томонидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Фильми суратга олиш ишлари сентябрь ойидан бошланади. Шунингдек, қадимги Буюк ипак йўлининг асосий қисми ўтадиган Ўзбекистонда яна Ж.Депардьё иштирокидаги "Ипак йўли" деб номланувчи яна бир фильм лойihalасини амалга ошириш кўзда тутилган. Унда Ўзбекистонга ипакнинг қандай қириб келгани турли хил воқеалар талқинида намойиш этилади. Ҳар икки фильм ҳам халқимиз тарихи, маданияти ва урф-одатларини дунёга танитишда ҳамда юртимизга сайёҳларни чорлашда жонли таклифнома бўлиб хизмат қилиши кутилмоқда.

Учрашув давомида Озодбек Назарбеков Ж.Депардьёни шу йилнинг август ойида бўлиб ўтадиган "Шарқ тароналари" фестивалига таклиф қилиб, серкирра актёрда француз миллий кўшиқларидан хиргойи қилиб бериш истаги бўлса, буни мамнуният билан қабул қилишини билдирди.

А.МЎМИНОВ,
муаллиф олган суратлар

Давоми. Боши 1-саҳифада

Замон — театр кўзгусида


ХОЛИС ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Аҳамиятисиз, "Сени куйлаймиз, замондош!" V Республика кўрик фестивалини Муҳаббат Тулаходжаева (Ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, санъатшунослик фанлари доктори), Омонullo Ризаев (Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, санъатшунослик фанлари номзоди), Жўра Маҳмудов (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори), Дилфуза Раҳматуллаева (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори, профессор), Шухрат Абдумаликов (Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори), Саида Дадамирзаева (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Репертуар-тахририяти шўъбаси бош мутахассиси, масъул котиб) каби нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳаққоний баҳолаб боришди.

ФЕСТИВАЛЬ ТААССУРОТЛАРИ

Ҳадиқлар ортда қолди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба бўтказиб келинаётган "Сени куйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрлари кўрик-фестивалининг навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилишини эшитган вилоятлар театр жамоаларида дастлаб бир оз иккиланиш ва ҳадиқ пайдо бўлганди. Эҳтимол, йўлнинг олислиги, ўлкада ҳозир жазирама пайти экани бунга сабаб бўлгандир. Бироқ Қорақалпоқ заминига қадам босганимиздан бу ҳадиқнинг ўрнини шодлиқ қувонч эгаллади.

Нукус темир йўл вокзалида фестиваль иштирокчилари бирин-кетин кутиб олина бошланди, у ерда янраган қарнай-сурнай садолари барчани руҳлантириб юборди. Миллий либосдаги қорақалпоқ қизлари нон, туз билан пешвоз чиқиб, меҳмонларни қарши олдилар. Фото-видеокамералар-



ни кўтарган ОАВ ходимлари эса ҳаяжонли онларни тасвирга ола кетдилар. Бир зумда вилоятлар учун ажратилган масъуллар ташриф буюрганларни автобусларда шинам ва кўракм, барча қулайликларга эга бўлган меҳмонхоналарга етказдилар. Ташрифнинг дастлабки онларидаёқ барчамиз фестиваль юқори савияда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик.

Қандиёр РУСТАМОВ,
Сирдарё вилояти
муסיқали драма театри
актёри

БАРИБИР БЎШ КЕЛИШ ЙЎҚ!

Мазкур фестиваль доирасида театримиз жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида бўлди. У ерда бизга учта аёл кўлларига дўмбира кўтарганча Қорақалпоқ термаларини куйлаб пешвоз чиқдилар. Қўшиқ шунақанги ёқимли жанрлар эдики, беихтиёр уларга жўр бўлиб, бирга куйлагим келди, афсуски, сўзини билмайман. "Барибир бўш келиш йўқ!" дедим-да, ўзбекчасига "Мустаҳзоҳ"ни бошлаб юбордим. Қарабсизки, икки тилда айтишув бошланиб кетди. Ҳамкасбарим бизга қарсақ ва рақслар билан жўр бўлишди...

Ана шундай кўтаринки кайфиятда Чимбой тумани-

даги маданият саройида 400 нафар томошабинга "Инсон ўзинг..." спектаклини намойиш этдик. Спектаклимиз уларга манзур бўлганини олқишларидан сезиб турдик. Ҳалиям уша таассуротлар билан юрибман.

Раъно ҲАЙИТОВА,
Сирдарё вилояти муסיқали драма театри хонандаси

ТАШКИЛОТЧИЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Ҳар бир вилоят театр жамоалари бу галги фестивалга жиддий тайёргарлик билан келгани улар кўйган спектакллар мазмун-моҳиятидан кўриниб турибди. Бу йилги фестивалда бизнинг Фарғона вилояти муסיқали драма театримиз жамоаси "От минган аёл" спектакли билан қатнашиб, "Энг яхши режиссерлик иши" ва "Энг яхши сценеграфия" номинациялари бўйича диплом билан тақдирланди. Яъни театримиз меҳнатини ҳайъат аъзолари юқори баҳолашди.

Юқори савиядаги мана шундай фестивални ташкиллаштиргани учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгесига Фарғона театри номидан ўз миннатдорчилигини билдираман. Қорақалпоқ эли меҳмондўстлиги, хушмуо-

малалиги, очик чехралиги билан бизда яхши таассурот қолдирди. Бизга шундай имкониятлар ва шароитларни яратиб бераётган юртимиз раҳбариятига катта раҳмат!

Асилбек АҲМЕДОВ,
Фарғона вилояти
муסיқали драма театри
актёри

МУНОСИБ БАҲОЛАРДАН ХУРСАНДМИЗ

Бу йилги фестивалда барча вилоят театрлари муносиб иштирок этдилар. Қашқадарё вилояти муסיқали драма театрининг "Хушвақт" спектакли, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик муסיқали театрининг "Саховат боғи" спектакли, Ўзбекистон давлат драма театрининг "Ер барибир айланаверади" спектаклидаги ижро, актёрлик маҳорати ва режиссерлик иши аъло даражада. Ўзбекистон давлат академик рус драма театри биринчи марта қатнашаётган бўлса ҳам, менда жуда илиқ таассурот қолдирди. Сирдарё вилояти муסיқали драма театри ижодкорлари ғолиблар орасида эканлигидан хурсанд бўлдим, чунки спектакль шунга лойиқ эди. Асарда оилга садоқат, аҳолига уй-жой ажратиш, ҳозирги замон муаммолари ақс этган.

Фарғона вилояти муסיқали драма театри номинациялар бўйича холис ва ҳақли баҳоланди. Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри жамоаси ҳам жуда таъсирли спектакль билан қатнашганини томошабинларнинг тўхтовсиз олқишидан ҳам билсак бўлади.

Сардорбек РЎЗИМБЕТОВ,
Хоразм вилояти муסיқали драма театри труппа бошлиғи

СЕНИ КУЙЛАЙВЕРАМИЗ, ЗАМОНДОШ!

"Сени куйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрлари Республика кўрик фестивалининг навбатдагиси мана шундай бетақрор таассуротлар билан якунига етди. Бир ҳафта мобайнида бир-бирига қадрдон бўлиб қолган театр жамоалари олам-олам завқу шавқ оғушида хайрлашдилар.

Санъатшунос журналист Гулмира ПАЛЪАНОВА репортажлари асосида «Маданият» газетаси учун Қорақалпоғистондан махсус тайёрланди.

Азиз ПИРЛЕНОВ
олган суратлар

Маданий алоқалар

Тожикистон делегацияси Тошкентда

18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева бошчилигидаги Тожикистон делегациясини қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида маданият ва санъат, айниқса, театр йўналишида жиддий

ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича таклиф-мулоҳазалар тингланди.


Учрашув давомида Тожикистондаги Камол Хўжандий номидаги мусикали драма театри билан Тошкентдаги Муқимий номидаги мусикали драма театри ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ўзаро фикр



алмашилди. Унга кўра, ҳар икки давлат учун ҳам буюк саркарда ҳамда она тимсоли сифатида тарихда ном қолдирган Тумарис ҳақида ўзбек ижодкорлари Тожикистонда, тожик актёрлари эса Ўзбекистонда спектакль намойиш қилади.

А.МУМИНОВ,
муаллиф олган суратлар

Ташаббус ижроси амалда



Бангладеш Президенти Бухорода

16 июнь куни Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Муҳаммад Абдул Ҳамид мамлакатимизга, Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

“Бангладешда Ўзбекистонни, унинг жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшган тарихий шаҳарларини жуда яхши билишади, — деди Бангладеш раҳбари. — Айниқса, буюк муҳаддис Имом Бухорий таваллуд топган ва мусулмон оламида машҳур Нақшбандия тариқати асосчиларидан бири, аждодингиз Баҳоуддин Нақшбанд вояга етган Бухорои шарифга муҳаббатимиз баланд.

Мен ва ҳамроҳларим Бухоронинг Лаби Ҳовуз, Пойи Калон мажмуа-

лари билан танишдик. Қадимий Арк қалъасида сақланаётган шариф шаҳрингизнинг бой ўтмиш тарихига доир маълумотлардан хабардор бўлдик. Мен дунёнинг жуда кўплаб тарихий шаҳарларида бўлганман. Лекин улар орасида энг жозибали ва маҳобатлиси Бухоро бўлса керак, деб ўйлайман. Хуллас, Бухоро менинг юрагимни забт этди”.

Сафар нихоясида бангладешлик меҳмонлар Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлигини зиёрат қилишди.



Халқаро ҳамкорлик

Маданият вазирлигида учрашув



19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида Америка Қўшма Штатларидаги Яқин Шарқ археологияси профессори, Чикаго Шарқшунослик институтининг маданий мерос бўйича проректор маслаҳатчиси Жилл Стейн бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташрифдан қўзланган асосий мақсад маданий мерос ёдгорликларини асраш ва ривожлантиришда Ўзбекистон ва Америка ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришдир.

“Хозирги кунда Ўзбекистонда маданий мерос ёдгорликларини асраш ва ривожлантиришда давлатингизда қулай шарт-шароитлар яратилган”, — деди профессор Жилл Стейн.

Учрашув давомида 2018 йилда Чикаго Шарқшунослик институти томонидан Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилган лойиҳа ҳақида сўз борди. Мазкур лойиҳада Афросиёб музейи, Ўзбекистон тарихи музейи, Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи, Термиз археология музейларида мутахассислар иштирок этишган эди. Ушбу лойиҳанинг давоми сифатида 2019 йил сентябрь ойида халқаро миқёсда тан олинган консерватор Фабио Коломбо томонидан маҳорат дарслари ўтказилиши режалаштирилган.

Тақдирот

“Қор ёғмоқда, оппоқ қор”

Алишер Навоий номидаги кино саройида “Қор ёғмоқда, оппоқ қор” номли фильмнинг тақдироти бўлиб ўтди.


Икки буюк ижодкор — Рихсивой Муҳаммаджоновнинг сўнгги режиссерлик иши ва Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимовнинг охириги роли сифатида тарихда қолган ушбу фильм реал ҳаётдаги турли қарашларнинг кўзудаги акси сифатида томошабинга сабоқ беради.

Асар сюжети қийинчиликларда тобланган икки инсоннинг ўлмас севгиси ва фарзандларнинг ота-онага салбий муносабати асосига қурилган. Фильм бош қаҳрамоннинг ўзи ва рафиқаси учун қабристондан жой ажратиш, қабр қаздиришга бо-ришдан бошланади. Бир оз муддатдан сўнг умр йўлдошидан айрилган чол тушунлиққа тушади. Ҳатто дўстининг гапига кириб, ўзини сохта га-

рангга солади ва фарзандларининг ўзи ҳақидаги гапларини эшитади. Аввалига ўз қилмишидан хижолат тортган қария кейинчалик бор ҳақиқатни айтишга уялади. Бироқ шу тарзда фарзандларининг асл қиёфасини билиб олади...

Фильмда кадрларнинг рамзий деталларга бойлиги бир қарашда кўзга ташланмайди. Сарғайган япроқ инсон умрининг тугашига қиёсланган бўлса, қор эса инсоний покланишга ишора қилади. Томошабин бутун инсониятга дахлдор туйғуларни яна бир бор эслатиб, қалбларни ларзага солган камтарин устоз, актёр Пўлат Саидқосимовнинг маҳоратига яна бир бор тахсинлар айтади.

Огабек ТҮЙБОЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 1-босқич талабаси



Фестиваль

Марғилонда “Буюк ипак йўли”



11-13 июль кунлари Марғилон шаҳрида I “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали ўтказилади

Маданият ва санъатнинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, уни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини камол топтириш, давлатлараро, халқлараро дўстлик, биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги Қарорига асосан 11-13 июль кунлари Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида биринчи “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали ўтказилади. Ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилиши белгиланган мазкур тадбир Фарғона вилояти, Марғилон шаҳридаги Э.Воҳидов номидаги истироҳат боғи ҳамда мактабда бўлиб ўтади.

Фестиваль Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудидан олдиндан саралаб олинган қатнашчилар иштирокида уч асосий:

- қўшиқчилик санъати (алла, ўлан, лапар, терма, маросим қўшиқлари, халфачилик, бахшичилик ва ҳоказо);
- ракс санъати (турли ҳудудларга хос халқ рақслари);

- миллий қадим фольклор чолғучилик санъати (миллий мусиқа асбобларида асарлар ижроси) йўналиш бўйича ўтказилади. Республика босқичининг финалига чиққан қатнашчилар фестивалнинг халқаро босқичига таклиф этиладилар. Фестивалда қатнашиш истагини билдирган хорижлик ижрочилардан ҳам ҳар бир давлатдан 3 йўналиш бўйича биттадан, жами ҳар бир йўналишда 14 тadan иштирокчи саралаб таклиф этилади. Шу билан бирга, маҳаллий ва халқаро миқёсда эътироф этилган халқ ижодиёти ижрочилари алоҳида концертлар, маҳорат дарслари учун таклиф қилиниши мумкин.

Халқаро тадбир доирасида илмий-ижодий конференция, хунармандчилик кўргазмалари ва маҳорат дарслари, дорбозлар, қураш, миллий таомлар танловлари, фольклор-этнографик шоулар ва театр томошаларини намойиш этиш кўзда тутилган.

Ташаббус ижроси амалда

Муסיқа фестивали



15 июнь куни Андижон вилояти Шахрихон тумани маданият марказида “Бешта ташаббус билан келажак сари” мавзусида муסיқа фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда маданият маркази тасарруфидаги “Чашма” ашула ва рақс халқ ансамбли, “Сайқал” фольклор-этнографик ансамбли, шунингдек, янги ташкил

қилинган “Парвоз”, “Бойчекчак”, “Ифтихор” болалар дастларининг иштирокчилари концерт берди. “Парвоз” ансамбли хонандалари — Дилоромхон Отамирзаева, Маматқодир Мирзаодилов, Ойбек Олимжонов, Шоҳзаҳидов Орифов, раққосалар — Севархон Абдуллаева, Фериде Исламова, “Бойчекчак” ансамблининг Гул-

нозахон Қамбарова раҳбарлик қилаётган рақс гуруҳининг ижро маҳоратлари томошабинлар томонидан олқишлар билан қутиб олинди. Тадбирнинг фаол қатнашчиларига туман ҳокимлигининг фахрий ёрликлари ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Ёшлар ойлиги

Келажак бунёдкорлари



17 июнь куни Жиззах вилоятининг Фориш туман маданият бўлими, туман ИИБ, туман маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи туман кенгаши ва ташкилотлар билан ҳамкорликда “Боғдон” маданият маркази ҳудудидаги Нурак МФИда жойлашган 8-умумтаълим мактабида ёшлар сайли ўтказилди.



“Ёшлар — келажак бунёдкори” шиори остида ўтган сайлда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус асосида ўқувчи ёшлар ўртасида танловлар ташкил этилди. Болалар спортнинг арқон тортиш, стол тенниси, шахмат, шашка, кураш, армрестлинг, оғир атлетика ҳамда санъатнинг кўшиқчилик, рақс йўналишлари ва шеърят бўйича беллашдилар. Танловда аъънавий хонандалик тўғараги аъъзолари — Умид Нодиров, Камрон Жалилов, Мухлиса Мажидова, Райҳона Исматова, Дилдора Дархонвалар фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Маданият маркази қошида ташкил этилган аъънавий хонандалик тўғараги раҳбари Мирқомил Аҳмедов ва шоғирдларининг ватанини мадҳ этувчи кўшиқлари ташриф буюрганларга хуш кайфият улашди. Тадбир давомида китоб ярмаркалари ҳам ташкил этилди.

Сайлда иштирок этган барча ўқувчи ёшларга ташкилотчилар ва ҳамкорлар томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.
Ш.САФАРАЛИЕВ,
Боғдон маданият маркази раҳбари

Хатна тўйлари ўтказилди



16 июнь куни “Ёшлар ойлиги” доирасида Бухоро вилояти Ғиждувон туманида кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди. “Обод қишлоқ” дастури ҳамда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус асосида тумандаги Армечан маҳалла фуқаролар йиғинида ташкиллаштирилган мазкур тадбир давомида туман маданият бўлими, Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликдаги концерт ҳам намойиш қилинди.

Қадимий топилмалар

Тарихимиз жонқуярлари

Сурхондарё вилоятида биринчи музейнинг ташкил этилиши, маданий мерос (археология) ва мезморий ёдгорликларни сақлаш борасида сўз юритилганда, соҳа мутахассислари Г.Парфенов ва В.Козловскийлар номини хурмат билан тилга олишади. Г.Парфенов 1933 йилда ташкил этилган Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейининг асосчиларидан бири бўлса, В.Козловский эса айни шу тарих ва маданият масканида чорак аср давомида музей директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган. Музейнинг шаклланишида, уни коллекциялар ва илмий адабиётлар билан мунтазам равишда бойитилишида бу икки инсоннинг хизматлари бекиёс бўлган. Бу ҳақда таниқли нумизмат (тангашунос) олим Е.В.Зеймаль: “Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи (ҳозирги Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи) тангалари коллекцияси топилган жой номларини аниқлаш ва таснифлашда бу ерда чорак аср давомида директор ўринбосари бўлиб ишлаган В.Козловскийнинг хизмати бекиёсдир”, дея эътироф этган. Г.Парфенов эса Тешиктош горидан топилган бола суягининг А.Окладников томонидан Москвага олиб кетилишига кескин қарши чиқиб, топилмани маҳаллий музей (Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи)да олиб қолиш мақсадида, Термиз темир йўл бекатига овмилтиғини кўтариб чиққан эган.

Сурхондарёнинг археология ва мезморий обидаларини сақлаш аъънасини бошлаб берган маҳаллий аҳоли вакиллари билан бири жарқўтонлик Тўлаган бобо Ҳайдаров ҳисобланади. XX асрнинг 30-йилларида

И.Сталиннинг қатағон сиёсати авж олиб, илгор фикрли давлат раҳбарлари, таниқли фан, маданият ва адабиёт намояндалари аёвсиз қатағон қилиниши баробарида маданий мерос намуналари ҳам йўққилина бошлаган. Шудаврда Тўлаган Ҳайдаров Жарқўрғон миносирини бузилишдан сақлаб қолган.

Жарқўтон ёдгорлиги академика А.Асқаров ва профессор Т.Шириновлар раҳбарлигида кенг қўламада урганилгач, ватанимиз худудидан шаҳарсозлик ва шаҳар маданияти эр.ав. II минг йиллик ўртасида шаклланиши, Жарқўтон шаҳарлар қурилишининг энг биринчи бўғини бўлгани ва Ўрта Осиёда шаҳарсозлик маҳаллий хусусиятга эга эканлиги тўлиқ исботланди.

Бу асосли илмий хулосалар Ўрта Осиёда шаҳар маданияти эр.ав. I минг йиллик ўртасида бевосита Аҳамонийлар Эрон таъсирида шаклланиши, деб ҳисоблайдиган тарихчи-археологлар фикрига кескин зарба берди. Айни шу XX асрнинг 70-йилларида улкан пахта етиштириш масканига айланган “Сурхон” давлат хўжалиги раҳбарияти Термиз туманидаги “Намуна” жамоа хўжалиги раҳбарларидан ўрнак олиб (XX асрнинг 60-йилларида “Намуна” жамоа хўжалиги раҳбарияти пахта етиштириши кенгайтириш мақсадида Эски Термизнинг “Термизшоҳлар саройи” жойлашган қисмини батамом текислаган, эски шаҳарнинг работ қисмида узум эккан!), ўз худудидидаги археология ёдгорликларини бирин-ке-



тин текислашга киришади. Шу тариқа Қушон подшолиги (эрамининг I-III асрлари ўртаси) даврига оид Шералитена, Бойтепа каби ёдгорликлар ҳеч бир асоссиз ноқонуний тарзда текисланиб ташланади. Текисланган Бойтепа ёдгорликларидан Барот исмли йиғит ўнлаб ноёб тангалар, маъбудалар ва ҳайвонлар тасвирланган топилмаларни тўплаган ҳамда ўша даврда Далварзинтепада археологик қазув ишларини олиб бораётган Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси ходимларига топширган. Бойтепа ёдгорликларидан сақланиб қолган тепалик ҳозир “Бароттепа” номи остида жаҳон археологик адабиётларида киритилган.

Бугунги кунга қадар юртдошларимиз музейларимиз, илмий тадқиқот марказларига юзлаб топилмаларни топширишган ва обидаларимизни бузилишдан сақлаб қолишган. Шулардан яна икки ўта ноёб ва бебаҳо топилмалар бадий санъат намуналари сифатида Ўрта Осиёда ягона саналади. Биринчи топилма терракота хайкалчаси бўлиб, унда тойчоқларни ўргатувчи инсон

сиймоси тасвирланган. Бу хайкалчани археологларга Узун тумани санитария-эпидемиология станцияси шифокори А.Омонов тақдим этган. Юксад санъат намунаси сифатида катта қийматга эга иккинчи топилма эса қўшалоқ хайкаллар мажмуидир. Бу топилма Термиз тумани “Қаҳрамон” маҳалласида яшовчи Хумойиддин Холиқов томонидан тақдим этилган. Зўрмола буддавийлик иншооти атрофидан топилган бу санъат намунаси Термиз археология музейи кўрғазма залида сақланади.

Ҳозир ҳам воҳадларимиз қўлида жуда кўп обиди осори атиқалар бор, ўрта мактабларнинг айримларида археологик ва этнографик топилмалар тўплаган. Тарихимиздан сўзловчи бу бебаҳо ашёларни ҳисобга олиш, асраш ва хорижий давлатларга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Т.АННАЕВ,
Термиз археология музейи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Я.Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти катта илмий ходими **Р.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
Термиз археология музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Назм ва наво

Маданият марказида ёшлар сайллари

15 июнь куни Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги 18-болалар муסיқа ва санъат мактабида халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда ёшлар сайллари ташкил этилди. Тадбирда Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус бўйича амалга оширилётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Шундан сўн маданият марказида ташкил этилган бадий ҳаваскорлик тўғарақлари аъъзолари ўз концертларини намойиш этишди. Жумладан, А.Қозоқов раҳбарлигидаги болалар кўшиқчилиги, Х.Иномова раҳбарлигидаги халқ чолғулари, С.Раҳматова раҳбарлигидаги “Парвоз” ўсмирлар рақс жамоаси ҳамда А.Мамадиёрова раҳбарлигидаги “Шабнам” рақс гуруҳлари ўз ижролари билан болаларга хуш кайфият улашди. Ж.Шукуров раҳбарлигидаги “Хайкалтарошлик” ҳамда Т.Қодирова раҳбарлигидаги “Флористика” тўғараги аъъзоларининг “Ёш рассомлар ва хунармандлар галереяси” йўналишида санъат асарлари намойиш этилди. Ижодкор ёшларнинг “Назм ва наво” кечалари, “Китобхонлик викторинаси”га улашиб кетган мазкур тадбирда маданият маркази тўғарақлари аъъзолари, умумтаълим мактаби ўқувчилари, истеъдодли ёшлари фаол қатнашдилар.

Ш.ДАРХОНОВ, Фориш маданият маркази мутахассиси



Ўзбекистон – умумий уйимиз

“Халқлар дўстлиги” маданият кунлари



30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан жойларда турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам 15 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шiori остида “Халқлар дўстлиги” маданият кунлари ўтказилди.

Унда республикаимиздаги турли миллат вакилларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликда яшаб, меҳнат қилаётгани, юрт равнаки, халқ фа-

ровонлигига қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи шоу дастурлар, куй-қўшиқлар, рақслар намойиш этилди. Тадбирда Бахшилар мактабининг энг ёш ўқувчилари — Хусан Мусаев ҳамда Ғолибжон Ориповлар ҳам фаол қатнашиб, дostonчилик йўналиши бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Ж.САЛОҲИДДИНОВ,

Термиз шаҳар ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Бизнинг сўхбат

Сайрам ИСАЕВА:

“Сизларни соғиниб яшадик...”

Сўхбатдошимиз — ўзининг кўпгина бетақрор роллари билан муҳлислар қалбидан жой олган, ўзбек халқига бўлган чуқур ҳурмат, меҳр-муҳаббатини ардоқлаб келаётган Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаева ҳақида гап кетганда, ортиқча таърифу тавсифларсиз “Майсаранинг иши”даги Майсара, “Нодирабегим”даги Нодира, “Рустам ва Сухроб”даги Гурдофарид образларини эслаш кифоя. Маданият вазирлигида ўтган учрашув баҳона актрисанинг хотиралари, маданий алоқаларнинг бугунги ҳолати ҳақидаги фикрларига қизиқдик...

ЎЗБЕК ХАЛҚИДАН МИННАТДОРМАН...

Болаликдаги орзуларимдан бири шифокор бўлиш эди. Лекин дутор чертиб, қўшиқ айтиб, қалбларга қувонч бағишловчи ота-онам, моҳир рақоса опам Марьямнинг ундовлари билан санъат йўлини танладим. Аслида спортни севардим, от минашига ҳавас қилардим. Машҳур актриса бўлиб етишишимда эса Ўзбекистонлик устозларим, кадрдонларим, санъаткор дўстларимнинг таъсири катта бўлган.

Тошкент театр ва расомчилик институтида ўқиш давомида кўпгина таниқли санъаткорлар, санъатшунослар, киношунослар олимлардан сабоқ олдим. 55 йилдан буён Камол Ҳўжандий номидаги Тожикистон мусикали драма театрида Комил Ёрматов, Анатолий Қобулов, Раззоқ Ҳамроев, Элёр Эшмухамедов, Лутфихон Саримсоқова, Яйра Абдуллаева, Ҳамза Умаров, Обид Юнусов каби санъат дарғаларидан ўрганганларимни иш фаолиятида қўлаб келдим. Албатта, бу борада таниқли режиссёр, турмуш ўртоғим Исломо Саломовнинг алоҳида ўрнини таъкидлашим керак. Менинг актёр, режиссёр сифатида шаклланишимда уларнинг ҳиссаси катта.

Қолаверса, Тожикистон санъат намояндалари — Ҳайри Назарова, Софья Тўйбоева, Холикул Раҳматуллаев, Муҳаммаджон Қосимовларга ҳавасу ихлосим баланд. Шундай бўлса-да, ўзбек санъати дарғалари — Комил Ёрматов (“Нодирабегим”), Мәлис Абзалов (“Майсаранинг иши”, “Ўзбекқоим”), Али Ҳамроев (“Оқушлар, оппоқ қушлар”), Темир Рашидов (“Галатепалик авлиё”)лардан ўрганганларим, партнёрларим — Ҳамза Умаров, Обид Юнусов, Пўлат Саидқосимовлар билан ишлаш жараёни мен учун бир умрлик сабоқ мактабини ўтати.



“КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ” — ТОЖИК САҲНАСИДА

Актёрлик, кейинчалик режиссёрлик фаолиятида ўзбек санъати ва маданиятидан илҳомланиб, қатор роллар яратдим, спектакллари саҳналаштирдим. Режиссёрлик ишимни умр йўлдошим — Исломо Саломов билан биргаликда, елкама-елка олиб бордим. Албатта, бу борада ҳам устозларим ўғитлари, панднасихатлари қўл келди. 1978 йилларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” ўрта Осиёда жуда машҳур эди. Уни севиб томоша



ўтиб, шу асарни яна томошабинлар талаби билан янги талқинда саҳналаштирдик...

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРИМИЗ БАРДАВОМ БЎЛСИН!

Умуман, санъат инсонни қалбан поклайди, яқинлаштиради, дўстлаштиради. Аммо кейинги 25 йилда шундай гўзал, дўстона туйғулар ривожига йўл берилмади. Чегаралар “мустаҳкам қўриқланиб”, борди-келди узилиб қолди. Шукурки, 2016 йилдан бошлаб Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан чегаралар очилди. Бундан бениҳоя хурсандимиз.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига ташрифимиз ҳам шу ҳайрли амаллар самарасидир. Биз Ўзбекистондаги ҳамкасб дўстларимиз билан борди-келди қилиш имконияти пайдо бўлганидан мамнунмиз. Муқимий театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатованинг 80 йиллигига тақдир қилишгани айтиш мудоао бўлди. Қанча-қанча дўстлар, бирга ўқиган, иш-



лаган, курсдош, кадрдонлар билан учрашдик, дийдорлашдик. Айтишадик:

Оламнинг шодлиги йиғилса бутун,
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун,
— деб. Шунингдек,

бизни кучок очиб кутиб олган Ўзбекистон раҳбарияти, Маданият вазирлигининг эътибори, самимий қабулидан кўнгилларимиз тоғдек кўтарилди. Айниқса, бизнинг Камол Ҳўжандий ва Тошкентдаги Муқимий номи мусикали драма театрлари ўртасидаги ҳамкорликни қайта тиклаш, йўлга қўйиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар барчамизни тўлқинлантириб юборди. Унинг дастлабки қадамлари сифатида мардонавор шарқ аёлининг тимсоли, ҳар икки халқнинг фахрийфитхори бўлган Тўмарис ҳақида саҳна асари яратиш ва театрларимизда намойиш этиш тақдирини ҳам ҳаяжон билан кутиб олдик. Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг июль ойида ўтказиладиган “Буюк йўл” халқаро фестивали ва август ойида ўтказиладиган “Шарқ тароналари” фестивалига тақдир этгани бизга нисбатан самимий муносабатнинг яна бир исботи бўлди.

Сайёра РИХСИЕВА
сўхбатлашди.
А.МҶИНОВ олган суратлар

Юбилей кечаси

Наима Пўлатова 80 ёшда

17 июнь куни Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти Наима Пўлатованинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди.



Тадбирда Ёқуб Аҳмедов, Фатхулло Мақсудов, Гулчехра Носирова каби халқимизнинг таниқли актёрлари ҳамда санъатнинг бошқа йўналишларида фаолият юритиб келаётган ижодкорлар, шунингдек, қўшни Тожикистондан ташриф буюрган Сайрам Исаева бошчилигидаги делегация вакиллари актрисага ўз табрикларини йўллашди.

Юбилей кечаси давомида ўндан ортиқ куй-қўшиқлар ижро этилди. 1968 йили Тошкент театр ва расомчилик институтига таъин бўлиб, шу йилнинг ўзида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали драма театрига қабул қилинган ширали овоз соҳибаси, ўзининг бетақрор образлари билан томошабинлар қалбидан жой олган серкира ижодкор Наима Пўлатованинг ўзи ҳам уларга жўр бўлди.

Тақдирот

Мукофот муборак!

19 июнь куни Ўзбекистон давлат драма театрида Қорақалпоғистон Республикасида “Сени қўлаймиз замондош!” фестивалида “Ер барибир айланаверади” ва Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган “SAMGAU” халқаро театр фестивалида “Труфанаверади” ва Кўнрагон малайи спектакллари билан иштирок этган ҳамда нуфузли ўринларни қўлга киритган театр жамоасини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Қорақалпоғистон Республикасида 10-15 июнь кунлари бўлиб ўтган “Сени қўлаймиз, замондош!” Ўзбекистон театрларининг V кўрик фестивалида маъzur ижодий жамоа 2-даррали дипломга муносиб кўрилди.

Семинар

Электрон хужжатларга бағишланди



10 июнь куні Қашқадарё вилояти Шахрисабз шаҳар маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Ўзархив” агентлиги ҳамда Қашқадарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида “Электрон хужжатларни шақлантириш, жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақловини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил

этиш” мавзусидаги конференциянинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимдан сўнг меҳмонлар Шахрисабз шаҳридаги мақом музейига ташриф буюришди. “Қоба” тарихий мажмуасида шаҳар маданият бўлими, Шахрисабз мақом музейи ва Қарши шаҳридан ташриф буюрган хонандалар иштирокида концерт намойиш этилди.



Халқаро танлов

Ёш истеъдодлар — совринлар соҳиби



12 июнь куні Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган “Великая Россия” халқаро фестиваль-танловида Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари — Юляна Худойқулова ҳамда Шахзода Ортиқовалар ҳам фаол қатнашишди. Ўқитувчи Зебо Адилванининг шоғирлари бўлган бу икки ўқувчи фортепиано йўналиши бўйича иккита учинчи даражали диплом ва совринлар соҳиби бўлишди.

Мазкур фестивалда 15 та давлатдан 168 та иштирокчи қатнашди.

Концерт

Кўнгил куйлайди



16 июнь куні Андижон вилоятининг Олтинқул туманидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмасининг “Кўнгил куйлайди” деб номланган концерти намойиш этилди.

Миллий, мумтоз ҳамда замонавий куй-қўшиқларни ўз ичига олган концерт аҳолининг бўш вақтини мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилди. Унда Андижон вилоят бўлинмаси ашула ва рақс ансамблининг Акрамжон Турдиев, Аҳмаджон Абдулхаев, Санжарбек Омонов, Нилуфар Каримова, Муҳайёхон Тожимаматова, Аброрбек Жамолдинов каби хонандалари, созанда ҳамда раққосалари ўз куй-қўшиқлари, дилрабо рақслари билан олтинқўлик санъат илҳомландларининг олқишларига сазовор бўлдилар.

РАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлинмаси директори

Хунармандчилик

Санъатга айланган миллий анъана



Болаликда Шарқ эртақларида ўқиганимиз — афсонавий учар гилам чиндан ҳам бўлган воқеаларга асосланган, десам ишонмайсиз! Қадим Шарқда бир иқтидорли эртақчи қишлоқдаги болаларга эртақларидан айтиб турса, болажонлар ундан бошқа янги эшитилмаган сеҳрли ва ғаройиботларга бой эртақ айтиб беришини сўраб, ҳоли жонига қўймабди. Ўша пайтларда бой хонадонлар учун ипак гиламлар тўқиш урф бўлган экан. У эртақ тўқишни бошлаган маҳал тепаликдаги мўъжазгина қалъа деворидан хизматчи канизларнинг сарфойдаги ипак гиламлар чангини қоқаятганига кўзи тушибди. Шу пайт бир канизаниннинг қўлидан ипак гиламча тушиб кетибди. Қарасаки, ипак гиламча қалъа деворидан ерга, соқчилар олдида тушгунича бир муддат муаллақ қолиб, худди қўшнинг пати каби енгил пастлаб, гўё учаётгандек кўринибди. Ипак гиламнинг учаётганини кўриб илҳомланган эртақчининг янги “Учар гилам” ҳақидаги эртаги туғилибди! Шушу халқ орасида кенг тарқалиб кетган ушбу эртақ кўплаб элатларга ёйилибди.

Қадимдан Шарқда кенг тарқалган гиламдўзлик кўп асрлик миллий анъаналар маҳсули бўлиб, узоқ тарихга эга. Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи халқлар қадимда асосан чорвачилик билан машғул бўлган. Шу боис гилам-тўшамалар ва жундан тўқилган буюмлар кўчманчи қабилаларнинг эҳтиёжини қондирган. Гиламдўзлик намуналари нафақат безак сифатида, балки девор ҳамда эшик сифатида ҳам қўлланилган. Гиламлардан, нақшли кигизлардан ўтовларнинг устини ёпиш, ерга тўшаш ҳамда тўрт гилдиракли араваларга соябон қилиш учун фойдаланганлар. Ўтовнинг ичида ва ташқарисида ҳам гиламлардан фойдаланилган. Булар фақат безак бўлмай, ўтовларни ёзда қуёш нуридан, чангдан, шамолдан, қишда эса совуқдан сақлаган ҳамда шовқинни пасайтирган. Қолаверса, турли ҳайвонларнинг жунларидан тайёрланган гиламларга чаён, қорақурт, захарли

ўргимчак каби зараркунанда ҳашаротлар яқинлашмаган. Ҳатто уйнинг бошқа кўп жиҳозлари, чунончи, ҳар хил мебель вазифасини бажарувчи буюмлар — сандик, сумка, қоп, хуржун ва от ёпинчиқлари ҳам гилам кўринишида тўқилган. Гиламларнинг жулхирс, гажарий, коҳма, окёзен, терма, тақир гилам каби турлари машҳур бўлган. Шунингдек, бўғжому, жойнамоз, напшрамач, хуржун, тўрва, жабдуқ, ўтов жиҳоз (кур, басқур)лари каби бир қанча буюмлардан фойдаланилган.

Археологик топилмалар натижасида Хоразмда милоддан аввалги I минг йилликка мансуб гиламлар топилгани VII аср қўлёзмаларида гилам тўқиш санъати ўша вақтларда Ўрта Осиёда ҳам ривожланганини тасдиқлади. V-VII асрларда Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлардан Хитойга хар хил гиламлар олиб келинган. Масалан, қамиш ва бўйра (ярим тилинган қамиш) дан тўқилган гиламлар Хитойга олиб бориб сотилган. Ўрта Осиё ва Афғонистон адабиётларида кўрсатилишича, VII-XI асрларда Хоразм ҳамда Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги баъза шаҳарларда кичик-кичик гиламлар тўқилиб, чет мамлакатларга сотилган. XI-XII асрларга келиб, Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати жуда ривожланган. XIV асрда эса Ўзбекистон ҳудудида гилам тўқиш санъати ривожланмай қолди, чунки Ўрта

Осиёни Мўғул bosқинчилари эгаллаб олган эди. XIV асрнинг иккинчи ярмида қитъа Амир Темур қўлига ўтиши билан бу соҳа яна ривожланиб кетди. Темурийлар даврида эроний ва туркий анъанага уйғунлаштирилган гиламдўзлик ҳамда XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда даштиқипчоқ ўзбек қабилаларининг гиламдўзлик буюмлари кенг тарқалган. XVIII-XIX аср бошларида, айниқса, Бухоро ва Фарғона хонликларида гилам тўқиш санъати тез суръатлар билан ривожланган. XX аср бошларида Кўкон, Самарқанд, Андижон ва Бухоро Ўрта Осиёнинг гилам тўқиш бош маркази ҳисобланган. Бугунги кунда ҳам Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаларида гиламдўзлик марказлари сақланиб келинмоқда.


Навоий вилоятининг Нурота тоғ этакларида яшовчи аҳоли ҳам қадимдан гиламчилик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқиладиган олачадан тортиб, тақир гилам, жулхирс, кош(қалин) гиламларгача тайёрлашган. Конимех туманида эса турли кўринишдаги табиий кигиз гиламлар кўпроқ тайёрланган. Шу каби юртимизнинг турли ҳудудларида гиламдўзлик мактаблари мавжуд. Уларнинг асосий вазифаси гиламларда анъаналарини сақлаган ҳолда ўхшашликнинг олдини олиб, бу хунарни янги тажрибалар билан бойитишдир.

Ҳозир гиламлар буюк кишиларнинг портретлари, таниқли ёзувчиларнинг машҳур асарларига чизилган расмлар, шунингдек, атоқли расомларнинг расмларидан нусха кўчирилган ҳолатда ҳам тайёрланмоқда.

Ўзбек гиламларининг четига рута, ўртасига турунд ёки доира нақш ишланади. Бухоро гиламлари ўзининг ранг-баранглиги, қатталиги, узун патлиги ва чиройли нақшлари билан ажралиб туради. Самарқанд гиламлари қисқа патли, марказига турунд, четига алоҳида-алоҳида нақшлар ишланади. Қалқон деб номланган турунд нақши гиламдўзликда кўп учрайди. Улар ҳошиядор, эстетик жиҳатдан чиройли ишланган бўлади. Айнан шунинг учун ҳам XV-XVI асрларда форс гиламларининг Европага кириб келиши билан уларнинг обрўси кўтарилиб, нархи осмон қадар етган. Ўрта асрларда, Ғарб давлатларида байрам ёки тантаналарда гилам амал, бойлик ва куч-қудрат рамзи бўлган. Уни фақат амалдорлар ва бойлар сотиб олганлар. Аммо бизнинг момо-бувиларимиз ўша даврларда ҳам доимо бежирим ўтов гиламлари, қиз гиламлар (тўйи бўлаётган қизларнинг сеп гилами) ҳамда деворий гиламлар ва безак жиҳозларини ўз қўллари билан тўқиб, хонадонларига кўрк бағишлабгина қолмай, рўзғорларини ҳам бойитишга ҳисса қўшиб келишган.

Хулоса қилиб айтганда, миллий хунармандчилигимизни тарғиб этишдан мақсад, юртимизнинг ноёб осори-атиқалари сифатида дунёни ҳайратда қолдираётган санъат намуналарини ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, уларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотишдир. Қолаверса, маданий мерос миллатни жаҳонга танитишнинг муҳим омилларидан биридир.

Холида ЎРОЛОВА,
Навоий вилояти тарихий маданияти давлат музейи илмий ходими



Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхоналарида Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси ташаббуси билан ногиронлиги бўлган китобхонлар ўртасида “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-танловининг кўйи босқичлари ўтказилмоқда.

3 июнь куни Қўшқўпир туман кўзи ожизлар кутубхонасида кўрик-

танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди. 6 нафар I гуруҳ ногиронлари ўзаро беллашган танлов якунига кўра I-ўринни бир дақиқа ичида 56 та сўз ўқиган Зулайхо Нуржанова эгаллаб, вилоят босқичига йўллангани кўлга киритди. 2-ўрин 48 та сўз ўқиган Санамжон Қиличевага, 3-ўрин 31 та сўз ўқиган Одамбой Бектурдиевга насиб қилди.

Танловга ҳакамлик қилишда туман қурилиш ва транспорт колледжи АРМ филиали ходимлари яқиндан ёрдам бердилар. Ғолиблар фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирландилар.

РТОЖИЕВА,
Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси кутубхона ишлари бўйича ўринбосари.

Ташаббус ижроси амалда



Вилоят кўғирчоқ театри болалар оромгоҳида

Бухоро вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси 18 июнь куни Вобкент туманидаги “Порлоқ келажак” болалар оромгоҳида спектакль ва концерт намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти илгари сурган бешта муҳим ташаббус бўйича ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилган ушбу

тадбир Ёшлар куни муносабати билан туман маданият бўлими, Бухоро вилояти Кўғирчоқ театри ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Вобкент туман кенгаши ҳамкорлигида ташкиллаштирилди.

Китобхонлар беллашди



18 июнь куни Хоразм вилоят кўзи ожизлар кутубхонасида “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 6 нафар иштирокчи сифатли ёзиш, матнни тез ва ифодали ўқиш шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов якунига кўра Боғот туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Фаррух Жуманазаров I-ўринни, Хива туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Рўздат Жабборов 2-ўринни ва Ҳазорасп туман кўзи ожизлар кутубхонаси китобхони Руслан Абдуллаев 3-ўринни кўлга киритди.

Ғолиблар вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

З.ОТАЖОНОВА,
Боғот туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудири

зиденти илгари сурган бешта муҳим ташаббус бўйича ёшларнинг маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ўтказилган ушбу



Ҳар бир болага меҳр ва эътибор

Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Х.Кулнийёзов номи болалар дам олиш масканида Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида туман маданият ходимлари ва Ўзбекконцерт давлат муассасаси билан биргаликда “Ҳар бир болага меҳр-эътибор” шиори остида тадбир бўлиб ўтди.



Хотира кечаси

Инсон қадри улуғ, хотираси — муқаддас

13 июнь куни Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ташаббуси билан 18-кўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослашган давлат таълим муассасасида “Инсон қадри улуғ, хотира — муқаддас” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви ҳамда вилоят ва туман бўлимлари вакиллари, китобхонлар ва фаоллар иштирок этишди.

Кечани ЎзКОЖ Қашқадарё вилоят бошқаруви раиси Ҳақназар Пулатов очиб берди. Шунингдек, Қашқадарё вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонаси директори Остон Комилов ва китоб фондини тўқислаш

бўлими мудири Моҳидил Қаюмоваларнинг Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти босиб ўтган узоқ тарихий йўл ва унинг бугунги кундаги нуфузини ифода этувчи маърузалари тингланди. Шунингдек, вилоятда яшаб, жамият равнақиға ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшган марҳум фахрийлар ёдга олинди.

Тадбир давомида “Эзуликка етакловчи сиймолар” номи китоблар кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

Эштемир ХИДИРОВ,
Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси методик-библиография бўлими мудири

Вилоят театрларида

Ижодий сафар давом этади

Анджон вилояти Ёшлар театри ижодий жамоаси вилоятнинг шаҳар ва туманлари бўйлаб ижодий сафар бошлагани ҳақида хабар берган эдик.

Жамоанинг навбатдаги ташрифи Избоскан туманига бўлди. Актёрлар театр ихлосмандлари ва ёш томошабинлар учун Маннон Ҳамидовнинг

“Сўнмас Юлдуз” асари асосида саҳналаштирилган “Меҳр қолур” спектаклини намойиш этдилар. Томошабинлар Гулбахор Жўраева, Барно Мирзакаримова, Воҳид Турдиев, Собжон Мирзаев, Улуғбек Ғафоров, Лутфулло Йўлдошев, Ўткирбек Шукуров ҳамда ёш истеъодлар — Азизилло Назиров

ва Муштарий Комиловлар ижросидаги мазкур саҳна асарини олқишлар билан кутиб олишди.

Театр жамоаси ижодий сафарини Пахтабод туманида давом эттиради.

Д.ВОҲИДОВ,
театр директор ўринбосари

Таъзиянома

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик вазириликнинг ўзбекистон давлат сатира театри ходими Абдулатиф АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинлари ва ҳамкасбларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Кўрик-танлов

“Баркамол авлод — юрт таянчи”

18 июнь куни Гулистон шаҳар Ахборот-технологиялари касб-хунар колледжида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш



бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида, имконияти чекланган I ва II гуруҳ ногиронлари ўртасида “Баркамол авлод — юрт таянчи” мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Тадбирни Сирдарё вилояти Кўзи ожизлар кутубхонаси раиси ўринбосари К.Азаматова очиб берди.

Етти нафар иштирокчи ватанни мадҳ этувчи шеърий таништирув, тезкор савол-жавоб ва ижодий мавзуда ўз маҳоратларини намойиш этган тадбир давомида вилоят Кўзи ожизлар кутубхонаси маданият маркази ходими Одил Раджаббоев ўз кўшиқлари, “Зайтунча” номидаги 10-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари эса гўзал рақслари билан барчага хуш кайфият улашишди.

Тадбир

Тиббий текширув ва маданий ҳордиқ



11 июнь куни Анджон вилояти Марҳамат туманидаги 26-болалар мусиқа ва санъат мактабида “Мен тамақасиз муҳитни танлайман! Сиз-чи?”, “Соғлом овқатланиш ва саломат бўлинг!” шиори остида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш тадбири ўтказилди.

Вилоятнинг 20 дан ортиқ олий малакали шифокорлари қатнашган ушбу тадбирда шаҳарчада истиқомат қилаётган аҳоли тиббий текширувдан ўтказилиб, зарурий маслаҳатлар берилди. Махсус бириктирилган патронаж ҳамширалар ва шифокорлар гуруҳи эса текширувга кела олмайдиган ногирон ва кам таъминланган оилаларнинг уйига ташриф буюриб, уларга тиббий хизмат кўрсатишди.

Аҳолига сифатли тиббий хизматни ташкил этиш мақсадида, мактабга УТТ ва ЭЖГ асбоб-ускуналари ҳам келтирилди.

Тадбир доирасида мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи ва ўқувчиларидан иборат дуторчилар ансамбли, эстрада хонандалиги, рақс синфининг концерти ҳамда амалий санъат синфи ўқувчиларининг ўз қўллари билан яратган либослари намойиш этилди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар тиббий хизмат билан бирга маданий ҳордиқ чиқарганлари учун ташкилотчилар ҳамда мактаб маъмуриятига ўз миннатдорчилигини билдиришди.

Хисобот концерти

Ўқитув-чилардан мусиқий совға

Андижон ихтисослаштирилган санъат мактабининг йиллик ҳисобот концерти бўлиб ўтди. Тадбирда мактабининг анъанавий, академик хонандалик, дамла, зарбли ва халқ чолғулари, эстрада чолғулари оркестри, яккахон созанда ва хонанда, рассомчилик, кулолчилик ва актёрлик санъати йўналишлари ўқувчилари фаол қатнашдилар.



Шунингдек, улар Муҳаммад Юсуф номли мактабда ҳам ўз концертини намойиш этишди. Тадбирда Хотирахон Акрамова, Холмурод Хоринов, Сарвар Азимов, Сурайё Қодирова, Сайдулло Каримов, Муроджон Темиров, Азизбек Жабборов, Шокиржон Собиров каби ўқитувчилар ўз шогирдлари билан фаол қатнашишди.



Тасвирий санъатнинг ноёб турлари

Офорт жанри тарихидан

Офорт – металлга ишланадиган гравюра тури. Бу сўз французчадан таржима қилинганда eau forte – мустаҳкам, қаттиқ сув маъносини беради. Илк офортларда азот кислотаси металлга чуқур нақш солиш учун ишлатилган ва айнан азот кислотасини қаттиқ, мустаҳкам сув деб аташган.

Тасвир металл пластина (тахта)га кислота таъсир этириши йўли билан ҳосил қилинади. Кислотага чидамли лок билан қопланган рух ёки мис пластина юзаси махсус игна, мих билан металл юзгачча тирнаб (оддий кислотали мўйқалам билан чизиб), тасвир чизилган ҳосил қилинади. Сўнг пластинадаги ўйиқлар (босма элементлари) кислота таъсирида яна чуқурлаштирилади. Бу жараёни бир неча мартаба такрор-

яратилган. Айни шу даврда Швейцарияда У.Граф ҳам бир нечта офорт жанридаги асарлар яратган. 1515-1518 йилларда Германияда А.Дюрер томонидан 6 та металл бўлагига офортлар ишланган. Улардан энг машҳури “Қатта тўп” асари ҳисобланади.

XVI асрда мис офорт ишлаш учун асосий металлга айланади. Немис rassоми А.Алтдорфер биринчилардан бўлиб мистга офорт ишлаган.

Пармалик Пармиджанино ҳам ушбу жанрда асарлар яратган. Унинг устахонасида Ф.Приматиччо ва Ф.Бароччи каби машҳур офорт усталари ижод қилган. XVI асрда Нидерландияда Г.Белл ва И.Кокклар ҳам офорт жанрида ижод қилиб, шуҳрат қозонишган.

XVII асрда офорт йўналиши Голландия, Франция ва Италияда кенг тарқалди. Айниқса, Голландияда у ривожланиб, тасвирий санъатнинг анча мураккаб йўналиши даражасига чиқди. Бу ерда Рембрандт томонидан ишланган асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Бироз кейинроқ ижод қилиб ном қозонган голланд офорт усталари ҳам бир қатор асарлар яратган. Шунингдек, француз ижодкори Ж.Калло, rassомлар — К.Лоррен ва А.Босслар ҳам офорт жанрида ижод қилишган. Ж.Каллонинг бир ярим мингта яқин офортлари бизгача етиб келган.

XVIII асрда Италияда офорт йўналиши ривожига Ж.Б.Теполо ва унинг ўғиллари Жованни Доменинко ҳамда Лоренсолар катта ҳисса қўшди. Уларнинг асарлари ёрқинлиги билан ажралиб турган. Шунингдек, XVIII асрда Франция офорт йўналиши ривожига А.Бутто, Ф.Буше, О.Фрагонара муҳим ўрин тутди. Айни шу даврдан бир қанча янги усуллар яратила бошланди. XIX асрда испан rassоми Ф.Гоя офорт йўналишида ижод қилиб, Рембрандт ва Каллолар ишини ривожлантирган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида офорт йўналишига бўлган қизиқиш янада ортди. Айни шу даврда инглиз офортчилари — Ч.Тернер, Д.Уилки, У.Бонингтон бу йўналишни ривожлантирди. Ф.Бренгвин асарлари “тоза” офорт сифатида ном қозонди. Шу даврда э.Мане, К.Писарро, О.Ренуар, П.Сезанн, э.Дега, Ж.Рафаелли каби rassомлар ҳам бу жанрга алоҳида эътибор қаратишди.

Россияда 1930 йилларда Москва ва Ленинград шаҳарлари офорт йўналишида ижод қилувчиларнинг асосий маконига айланди. Ўзбекистонда эса В.Кедрин ва А.Ошайқолар ушбу йўналишдаги асарларининг ёрқинлиги ва мукаммаллиги билан ажралиб турди.

Ш.РУСТАМОВ, Самарқанд давлат музей-кўриқхонаси тарих ва этнография бўлими мудир



лаб, керакли даражадаги туслар жилвасини ҳосил қилиш мумкин. Бўёқ суртилган пластинадан босим таъсирида қоғозга нусха кўчирилади. Бу усул рангли босмада ҳам ишлатилади. Тасвир чизиларини қучайтириш имконияти, ўзига хос бадиийлиги, штрихининг эркинлиги, нурсоянинг нафислиги, босиш жараёнида юзага келадиган такрорланмас сифати (бир пластинадан турли хил нусхалар олиш имконияти) билан офорт барча бошқа гравюралардан фарқ қилади.



Офорт – металлга ўйма нақш солиш санъати алоҳида йўналиш сифатида XVI асрда Германияда вужудга келган. Офорт жанридаги илк асарлар 1501-1507 йилларда аугсбурглик Даниел Хопфер томонидан

Тақдимот



Маданий алоқалар самараси

Самарқанд шаҳрининг Регистон ансамблидаги Тилла Қори мадрасиси галереясида япониялик фотосуратчи Жин Акинонинг “Лаҳзада муҳрланган ўзбек анъанаси” номли янги фотоальбоми тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбир БМТнинг Халқаро маданиятларни яқинлаштириш ўн йиллиги, “Самарқандиана” энциклопедик лойиҳаси доирасида ўтказилди.



Мазкур альбом фотокитоб жанридаги ўз ишининг устаси, етук япон фотосуратчисининг ўзбек анъанавий архитектура ҳақидаги шахсий қарашларини ифодалайди. Китобда мамлакатимизнинг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз) каби кўҳна маконлар суратлари тақдим қилинган. Китобда кўрсатилган барча суратлар замонавий QR-код билан махсус веб-сайтга уланган. Бу китобнинг доимий янгилашиб туриши ва қўшимча маълумотларни онлайн режимда олиш имкониятини беради.

— Ўзбекистон бўйлаб суратга олиш ишларини биринчи Самарқанд шаҳридан бошлаганман, — дейди Жин Акино. — 2008 йилда “Самарқандиана” энциклопедик лойиҳасида қатнашганим сабабли, Самарқанд давлат музейида шахсий кўргазма ни ўтказиш имкони пайдо бўлди. Айнан ушбу ишим орқали мен кўплаб ўзбекистонликлар билан танишдим, улар билан жуда яхши ҳамкорликни йўлга

қўйишга эришдим. “Лаҳзада муҳрланган ўзбек анъанаси” фотокитоби менинг ўн йиллик меҳнатим маҳсули ва Ўзбекистон-Япония маданий алоқаларининг ўзига хос меваси, дейиш мумкин. Томошабин бу фотокитобимни очиб билан унда қандай хислар пайдо бўлишини билиш жуда қизиқ...

Жин Акино 1970 йилда таваллуд топган. Токио университетининг иқтисодиёт факультетини тугатгандан кейин эркин ижодкор сифатида иш бошлаган ва ўзини бошқа касбларда ҳам синая кўрган. “International Photography Awards” (АҚШ), “La Prix de la Photographie de Paris” (Франция) ва шунга ўхшаш кўплаб халқаро танловлар совриндори. Жин Акино ўн икки йилдан буён Токиодаги шахсий мактабидан суратчилик сирларидан сабоқ бериб келади.

Унинг ижоди асосан Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар архитектура ва маданияти билан боғлиқ. Шунингдек, ЮНЕСКО ва Япония миллий информатика университети томони-

дан Ипак йўлининг маданий меросини рақамли архивлаш учун ўтказилган “Digital Silk Road Project” лойиҳасида қатнашган. 2007 йилда суратчи “Самарқанднинг меъморий гўзаллигига саяҳат” кўргазмаси кўҳна шаҳарнинг 2750 йиллиги муносабати билан Самарқанд ва Токиода деярли бир вақтда тақдим этилди. Ижодкор “Самарқандиана” энциклопедик лойиҳаси, “Ассалом, Наврўз!” ва “Самарқанд ҳақида сўз” Халқаро мактаб кунлари каби тадбирларда самарқандлик эсперанточилар тақлифига асосан фаол қатнашиб келмоқда.

“Лаҳзада муҳрланган ўзбек анъанаси” номли ёрқин ва эса қоларли тақдимотни Регистон ансамбли дирекцияси, “Самарқандиана” энциклопедик лойиҳаси, Самарқанд шаҳар 5-маданият марказининг “Эсперанто” интернационал дўстлик тўғараги аъзолари ҳамкорликда ташкил этилди.

А.ИВАНОВ, Муаллиф олган суратлар

МАДАНИЯТ ОВУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир: Дилбаҳор Худойбердиева

Тахририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета Ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова

Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева

Навбатчи: Н. Содиқова

Адади - 9 520 Буюртма - Г - 627

Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42. Босмахонага топшириш вақти - 21.50

Топширилди - 21.50

1 2 3 5 6